



THEORETICAL FOUNDATIONS FOR IMPROVING LEGISLATION ON CORRUPTION-RELATED CRIMES

Guzalkhon Bahodirovna Nurmukhammedova

Associate Professor, Department of Criminal Law Disciplines

University of Public Security of the Republic of Uzbekistan

PhD in Law, Associate Professor

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15679350>

ARTICLE INFO

Received: 10th June 2025

Accepted: 16th June 2025

Online: 17th June 2025

KEYWORDS

Corruption, corruption offenses, legal definition, classification, international standards, UN Convention, public official, abuse of office, personal gain, intent, protectionism, lobbying, nepotism, commercial interest, public service, administrative violations, legal qualification, social danger, legal certainty.

ABSTRACT

This article provides a comprehensive analysis of the conceptual and legal classification of corruption-related crimes from theoretical, comparative, and practical perspectives. The author highlights the lack of a precise legal definition for the terms "corruption" and "corruption-related crime" in Uzbekistan's legislation, which creates difficulties in proper legal qualification. International legal frameworks, including the UN Convention Against Corruption, the Council of Europe's conventions, and CIS model laws, are examined alongside national legislation of countries such as Italy and Tajikistan. The article identifies key elements of corruption offenses, emphasizing the role of official position, motive of personal gain, and direct intent. A multi-level classification is proposed based on the offender's legal status, affected object, and degree of social harm. The paper also addresses contemporary manifestations of corruption, such as lobbying, protectionism, nepotism, and misuse of public resources. It argues for the urgent development of a unified classification system and legal recognition of corruption offenses within the structure of the Uzbek Criminal Code, based on the principle of direct object interference.

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА О КОРРУПЦИОННЫХ ПРЕСТУПЛЕНИЯХ

Нурмухаммедова Гузалхон Бахадировна

Доцент кафедры уголовно-правовых дисциплин

Университета общественной безопасности Республики Узбекистан

д.ф.ю.н. (PhD), доцент

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15679350>

ARTICLE INFO

Received: 10th June 2025

Accepted: 16th June 2025

Online: 17th June 2025

KEYWORDS

Коррупция, коррупционные преступления,

ABSTRACT

Статья посвящена всестороннему анализу проблемы определения и классификации коррупционных преступлений в теории и правоприменительной практике. Автор указывает на отсутствие четкого юридического определения понятий «коррупция» и «коррупционное преступление» в законодательстве Узбекистана, что



юридическое
определение,
классификация,
международные
стандарты, Конвенция
ООН, должностное
лицо, должностные
полномочия, корысть,
прямой умысел,
протекционизм,
лоббизм, nepoтизм,
коммерческий интерес,
государственная
служба,
административные
правонарушения,
уголовная
квалификация,
общественная
опасность, правовая
определенность.

осложняет квалификацию преступлений. В работе представлены сравнительно-правовой анализ международных источников — Конвенции ООН против коррупции, Конвенции Совета Европы, модельных законов СНГ, а также опыта отдельных стран (в частности, Италии и Таджикистана). Предложена структурированная классификация коррупционных преступлений на основе правового статуса субъекта, характера объекта, степени общественной опасности и других критериев. Особое внимание уделяется обязательным элементам состава преступления — должностному положению, корыстному мотиву и прямому умыслу. Автор предлагает подход, при котором определение преступления как коррупционного должно основываться на анализе непосредственного объекта посягательства. Отдельно рассматриваются современные формы коррупции: лоббизм, протекционизм, nepoтизм, манипуляции с государственными ресурсами. В заключение обоснована необходимость унифицированной правовой классификации и включения в Уголовный кодекс Узбекистана четко обозначенного перечня коррупционных преступлений.

КОРРУПЦИЯГА ОИД ЖИНОЯТЛАР БЎЙИЧА ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Нурмухаммедова Гўзалхон Баҳодировна

Жиноий-ҳуқуқий фанлар кафедраси

доценти, ю.ф.фд. (PhD), доцент

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15679350>

ARTICLE INFO

Received: 10th June 2025

Accepted: 16th June 2025

Online: 17th June 2025

KEYWORDS

Коррупция,
коррупциявий жиноят,
ҳуқуқий таъриф,
классификация,
халқаро стандартлар,
БМТ Конвенцияси,
мансабдор шахс,
хизмат мавқеи,
манфаатдорлик, тўғри
қасд, протекционизм,
лоббизм, nepoтизм,
тижорат манфаати,

ABSTRACT

Мазкур мақолада коррупцияга оид жиноятларнинг ҳуқуқий таснифи ва таърифига доир назарий, қиёсий ва амалий масалалар атрофлича таҳлил қилинган. Муаллиф амалдаги қонунчиликда «коррупция» ва «коррупциявий жиноят» тушунчаларининг аниқ таърифи мавжуд эмаслигига эътибор қаратади ва бу ҳолат ҳуқуқни қўллаш амалиётида тушунмовчиликларни келтириб чиқараётганини таъкидлайди. Халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар — БМТ, Европа Кенгаши ва МДХнинг конвенциялари — доирасидаги тавсиялар, шунингдек, Туркия, Италия ва Тожикистон сингари давлатларнинг қонунчилик тажрибалари таҳлил қилинган. Мақолада коррупциявий жиноятлар давлат хизмати, тижорат ва бошқа ижтимоий муносабатларга нисбатан тажовуз деб баҳоланиши, уларнинг жиноий-ҳуқуқий таркибида махсус субъект, хизмат мавқеидан



давлат хизмати,
маъмурий
ҳуқуқбузарлик,
тўғридан-тўғри модда,
квалификация,
ижтимоий хавф,
ҳуқуқий аниқлик.

фойдаланиш, манфаатдорлик ва тўғри қасд каби белгилари устувор эканлиги асослаб берилган. Шу билан бирга, муаллиф жиноятларни классификация қилишда бевосита объект белгисига асосланган ёндашувни илгари суради. Коррупциянинг замонавий шакллари — лоббизм, протекционизм, непотизм ва бюджет маблағларини сууистеъмол қилиш ҳолатлари алоҳида таҳлил қилинган. Хулоса сифатида, коррупциявий жиноятларнинг тўлиқ ва мақсадли классификациясини ишлаб чиқиш, уларни жиноят кодекси бўйича қайси моддаларга тўғри келишига асосланган тизимли ёндашув зарурлиги асосланган.

Ҳуқуқий фан ва қонунчилик амалиётида **"коррупция"** тушунчаси квалификация қилувчи белги сифатида, шунингдек, **"коррупцияга оид жиноят"** тушунчаси мустақил жиноий-ҳуқуқий категория сифатида аниқ белгиланмаган. Шу муносабат билан, коррупцияга оид жиноятларни квалификация қилиш масаласи жиноят ҳуқуқи нормаларига асосланган аниқ ва мукамал ёндашувни талаб қилади. Зеро, жорий йилнинг 5 март куни Шавкат Мирзиёев раислигида Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаши йиғилишида ҳам "...ҳозирда қонунчиликда коррупциявий жиноятларнинг аниқ рўйхати йўқлигига эътибор қаратилган"[1].

Бугунги кунда коррупцияга оид жиноятларнинг умумий халқаро рўйхати мавжуд эмаслиги халқаро ҳуқуқ, миллий ҳуқуқий тизимлар ва сиёсий-ижтимоий шароитлар билан белгиланади. Хусусан,

Биринчидан, коррупция статик ҳуқуқий тушунча эмас, балки жамиятдаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар таъсирида шаклланиб боради. Бир мамлакат учун коррупция сифатида баҳоланадиган ҳаракат бошқа мамлакат учун қонуний иқтисодий амалиёт ёки анъана сифатида қабул қилиниши мумкин. Масалан, ривожланган давлатларда лоббизм институционаллашган бўлса, ривожланаётган мамлакатларда у коррупция деб қаралиши мумкин.

Иккинчидан, коррупцияга қарши халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан, БМТнинг 2003 йилги Коррупцияга қарши Конвенцияси[2] ва Европа Кенгашининг 1999 йилги Конвенцияси[3], тавсиявий қоидаларни белгилайди, лекин аниқ жиноят таркибларини давлатларнинг ички қонунчилиги ихтиёрига қолдиради. Бу эса коррупцион жиноятларнинг турли мамлакатларда турлича таърифланишига сабаб бўлади.

Учинчидан, ҳар бир давлатдаги ҳуқуқий анъаналар ва жиноят-ҳуқуқий концепциялар коррупцияни турлича тартибга солади. Масалан: Англосаксон ҳуқуқ тизими (АҚШ, Буюк Британия) прецедент ҳуқуқига асосланган бўлиб, коррупция тушунчаси суд амалиёти орқали шаклланади. Континентал ҳуқуқ тизими (Франция, Германия) коррупцияни қонунчилик орқали аниқ белгилайди ва жиноят таркибларини қатъий тартибга солади. МДҲ давлатлари совет давридан қолган ҳуқуқий анъаналар асосида коррупцияни кенг қамровли кодекслар билан тартибга



солади. Бу хилма-хиллик коррупцияга оид жиноятларнинг ягона халқаро рўйхатини шакллантиришни мураккаблаштиради.

Тўртинчидан, коррупцияга оид жиноятлар рўйхати давлатларнинг сиёсий ва иқтисодий қарашларига боғлиқ ҳолда ўзгариб боради. Масалан: лоббизм ва сайловолди ҳомийлик айрим мамлакатларда қонуний ҳисобланади, бошқа мамлакатларда эса пора беришнинг институционаллашган шакли сифатида баҳоланади. Баъзи давлатларда таълим ва тиббиёт соҳасидаги ноқонуний тўловлар коррупция сифатида қаралса, бошқа мамлакатларда бу қонуний “хизмат ҳақи”, “суюнчи пули” сифатида қабул қилинади.

Бешинчидан, коррупцияни аниқ тартибга солиш халқаро сиёсий ва иқтисодий манфаатлар билан боғлиқ.

"Коррупция" ва **"коррупцияга оид жиноят"**лар каби ҳуқуқий тушунчаларни унификация қилиш ва уларни аниқлаштириш, коррупцияга қарши профилактика ва жиноий жазо механизмларининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

йўқлиги, коррупция ва коррупцияга оид жиноятларнинг аралашиб кетганлигини - аҳоли ўртасида нотўғри тушунчаларнинг шаклланишига сабаб бўлаётганлигини кўришимиз мумкин.

Коррупцияга қарши халқаро ҳуқуқий механизмларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, ушбу соҳада бир қатор муҳим халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, улар коррупцияга қарши курашишда давлатларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва миллий қонунчиликни такомиллаштиришга хизмат қилади.

Деярли барча халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда коррупцияга оид жиноятлар тоифаси белгилаб берилган. Жумладан, БМТнинг 2003 йил 31 октябрдаги Коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги Конвенцияси[2] нинг 15-25-моддаларида, Европа Кенгаши томонидан 1999 йил 27 январда қабул қилиниб, 2000 йил 1 июлдан кучга кирган «Коррупция учун жиноий жавобгарлик тўғрисида»ги Конвенция[3] нинг 2-15-моддаларида, Америка Давлатлари Ташкилоти томонидан 1996 йил 26 мартда қабул қилинган «Коррупцияга қарши Америка-давлатлараро Конвенция»си[4] нинг 6-моддасида алоҳида мустаҳкамланиб қўйилган.

Хусусан, 2003 йил 31 октябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 58/4-резолюцияси билан қабул қилинган Коррупцияга қарши Конвенция[2] си коррупцияга оид жиноятнинг турли шакллари, жумладан, *ғаразли мақсадда мансаб ваколатини суистеъмол қилиш, хизмат лавозимини суистеъмол қилиш, ноқонуний бойлик орттириш, порахўрлик, хусусий секторда мулкни ўзлаштириш ва растрата қилиш, жиноий йўл билан топилган мулкни легаллаштириш, жиноий йўл билан топилган мулкни яшириш, одил судловни амалга оширишга тўсқинлик қилиш* кабиларни мустаҳкамлайди.

МДХнинг 1999 йил 3 апрелдаги Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги Намунавий қонуни[5] МДХнинг 2003 йил 15 ноябрдаги Коррупцияга қарши сиёсат тўғрисидаги қонунчилик асослари Намунавий қонуни[6], - **порахўрлик, мансаб ваколатларидан шахсий манфаат йўлида фойдаланиш** каби жиноятлар санаб ўтилган.

"Коррупцияга қарши сиёсат тўғрисидаги қонунчилик асослари тўғрисида"ги Модель қонунига мувофиқ, 2003 йил 15 ноябрда МДХга аъзо давлатлар



Парламентлараро Ассамблеясининг 22-15-сон қарорига кўра коррупциявий ҳуқуқбузарликлар сифатида коррупция аломатларига эга бўлган фуқаролик-ҳуқуқий деликтлар, интизомий хатолар, маъмурий ҳуқуқбузарликлар, шунингдек, жиноятлар эътироф этилади.

Мазкур Қонуннинг иккинчи моддасига мувофиқ, маъмурий коррупциявий ҳуқуқбузарликлар таркибига давлатнинг Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексида назарда тутилган, қуйидаги ҳуқуққа зид ва айбли ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) киради: *сайлов комиссияси фаолиятига аралашиш; сайловчилар ёки референдум қатнашчиларини сотиб олиш; сайловга, референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун ажратилган маблағлар тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этмаслик ёки эълон қилмаслик; номзод, рўйхатдан ўтган номзод, сайлов бирлашмаси, сайлов блоки ёки референдум ўтказувчи ташаббус гуруҳи томонидан пул маблағларини ноқонуний равишда ишлатиш; юқорида кўрсатилган субъектлар томонидан қонун билан тақиқланган моддий ёрдамдан фойдаланиш; сайлов жамғармаси ва референдумда иштирок этиш жамғармаларидан ташқарида турли манбалардан сайлов кампанияси ёки референдумни молиялаштириш, қонун билан тақиқланган бошқа моддий ёрдамни кўрсатиш; бюджет маблағларини мақсадли эмас шаклда ишлатиш; қимматли қоғозлар бозорида хизмат вазифасига оид маълумотлардан фойдаланиш.*

Тожикистонда 2007 йилда ҳуқумат қарори билан тасдиқланган «Коррупция хусусиятидаги жиноятларнинг рўйхати ва ушбу турдаги жиноятларни статистик ҳисобга олиш (Шакл №1) йўриқномаси»га асосан коррупциявий жиноятларнинг рўйхати аниқ белгилаб қўйилган ва бу бўйича ҳисобот олиб борилмоқда[7].

Юқорида таҳлил этилган хорижий мамлакатлар жиноят кодексларида, тегишли коррупциявий жиноятлар учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган бўлса-да, “коррупция” атамаси қонун нормаларида тўғридан-тўғри ишлатилмайди. Шу билан бирга, бир қатор давлатлар ўзларининг жиноят қонунчилигида мазкур тушунчани тўғридан-тўғри қўлловчи махсус нормаларни назарда тутган.

Хусусан, Италия Республикасининг Жиноят кодексида “коррупция” тушунчаси мансабга доир жиноят сифатида қуйидаги тўрт шаклда ифода этилган:

хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ коррупция (318-модда);

хизмат мажбуриятларини бажармаслик билан боғлиқ коррупция (319-модда);

суд томонидан ноқонуний қарорлар қабул қилиниши билан боғлиқ коррупция (319-бис модда);

маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари ўртасидаги коррупция (320-модда).

Италия жиноят қонунчилигида “коррупция” тушунчаси асосан пора олиш ва пора бериш (яъни классик подкуп) ҳолатларини англатади. Масалан, хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ коррупция деб “давлат хизматчиси томонидан шахсан ёки воситачи орқали келгусида бажарилиши керак бўлган хизматга доир ҳаракат учун, унга тегишли бўлмаган тўлов ёки хизмат шаклида мукофотни қабул қилиш ёки қабул қилишга розилик бериш” тушунилади[8].

Бунда эътиборга молик жиҳат шундаки, Италия қонунчилигида коррупцияни жиноят таркиби сифатида тизимли равишда ва амалдаги ҳолатларни ҳисобга олган



ҳолда бевосита “corruzione” атамаси орқали ифодалаш қабул қилинган. Бу эса ҳуқуқни қўллашдаги аниқликни таъминлаш, жиноят таркибларини аниқ фарқлаш ва мансабдор шахслар фаолияти устидан самарали жиноий-назоратни амалга ошириш имконини беради.

Ушбу тажриба Ўзбекистон жиноят қонунчилигини такомиллаштиришда ҳам фойдали бўлиши мумкин, хусусан коррупцияга оид жиноятларнинг тушунчавий асосларини тўғридан-тўғри ва аниқ белгиловчи нормаларни ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Амалдаги Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 829-сонли қарорида “коррупцияга оид маъмурий ҳуқуқбузарликлар — Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 611, 193¹ ва 193²-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар; коррупцияга оид жиноятлар — Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 167-моддасининг иккинчи қисми «г» банди, 168-моддасининг учинчи қисми «в» банди, 192⁹ ва 192¹⁰, 205, 209 — 214-моддалари, 243-моддасида назарда тутилган жиноятларни мансаб мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиш ҳамда 301-моддасида”[9] кўрсатилган жиноятлар белгиланган.

Коррупцияга оид жиноятлар тушунчаси, турлари ва таснифига оид олимларнинг қарашлари ҳам турлича. Хусусан, Қ.Р.Абдурасулова “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар деганда, давлат органи ваколатини бажарувчи ёки унга тенглаштирилган шахс ўз хизмат лавозимидан ёки давлат органи мақомидан фойдаланиб моддий манфаат ва устунлик олиш учун содир этган ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатлар”[10] сифатида таърифланган бўлса, Р.Р.Газимзяновнинг фикрича “коррупцион жиноятлар - бу фақатгина криминалогик категория сифатида қаралиб, бир қатор ўзаро боғлиқ коррупцион жиноятлар мажмуида ифодаланади”[1]. Шунингдек, у бир қатор коррупцион жиноятларни таҳлил қилиши натижасида коррупцион жиноятлар - бу тарихий ўзгарувчан ҳодиса эканлиги, ўз-ўзидан унга нисбатан давлат ва жамиятнинг муносабати ҳам ўзгаргариши мумкин[11] деган хулосага келган.

Н.В.Бугаевская ва бошқа олимлар «коррупцион жиноятлар»ни – жиноий-ҳуқуқий маънога эга бўлиши лозим[12] деб ҳисоблашса, Н.В.Жадан эса, «коррупцион жиноятлар» деганда – шахснинг ўз лавозимидан ноқонуний фойдаланиши ёхуд ўзи учун ёки бошқа шахс манфаати учун мансаб ваколатига эга бўлган шахсга манфаатларни тўғри қасд орқали ноқонуний тақдим этиш шаклида намоён бўлувчи жиноят қонунчилиги бўйича ижтимоий хавфли ҳаракатлар тушунилади[13]. Бизнингча коррупция битта, алоҳида ҳолдаги жиноят эмас, балки коррупциявий алоқадорликдан фойдаланиб содир этиладиган бир неча жиноятлар йиғиндисидан иборат. Шу ўринда И.И.Карпецнинг қуйидаги фикрини ўринли деб ҳисоблаймиз: «Коррупция жинояти таркибини кашф этишнинг ҳожати йўқ, «чунки жаҳондаги қонунларнинг бирортасида «коррупция» тушунчаси жиноят таркиби сифатида тилга олинмайди, зеро у жиноят таркибини ташкил этмайди, балки жиноятчилик каби, бошқа кўпгина ижтимоий ҳодисалар каби ижтимоий ҳодисадир»[14]. Мазкур фикрни қўллаб-қувватлаган ҳолда, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, коррупция жиноят эмас,



балки бир неча жиноий қилмишлар йиғиндисидан иборат бўлган, уюшган жиноятчиликнинг бир кўринишидир.

Худди шундай мазмундаги фикрни профессор Р.А.Зуфаров ҳам билдириб ўтган ва биз унинг пора олиш, пора бериш ва пора олишда воситачилик ўзининг ҳуқуқий табиатига кўра мустақил жиноий-ҳуқуқий ҳаракатлар бўлиб, ҳар бири алоҳида жиноий таркибга эга[15] эканлиги тўғрисидаги илмий ҳулосаси тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз. Олим ўз фикрини давом эттирар экан, “мазкур ҳар бир ҳаракат ўзининг мустақил объектив ва субъектив томонлари билан ажралиб туради. Шу нуқтаи назардан, уларни ягона жиноят таркибига бирлаштириш нафақат мантиқан нотўғри, балки жиноий ҳуқуқ назарияси ва амалий квалификациянинг асосий қоидаларига зид ҳолат сифатида баҳоланиши лозим”[15], деган фикрни илгари сурган. Ушбу ёндашув, ўз навбатида, порахўрликка оид жиноятларнинг ҳақиқий ижтимоий хавфлилик даражасини аниқ белгиланишини таъминлайди ва жиноий масъулиятни адолатли белгилашга хизмат қилади.

Коррупциявий жиноятларни ҳуқуқий жиҳатдан таснифлаш уларга қарши курашишнинг тизимли ва самарали стратегиясини ишлаб чиқиш учун жуда муҳим аҳамиятга эга. Бу борада рус олими А.В.Онуфриенко ўзининг концептуал ёндашувида коррупция билан боғлиқ жиноятларни уч тоифага ажратади: фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз этувчи қилмишлар; тижорат ва бошқа ташкилотлар фаолияти доирасида юзага келадиган иқтисодий муносабатларга тааллуқли жиноятлар; давлат бошқаруви соҳасидаги ижтимоий муносабатларга даҳл этувчи жиноятлар[16].

Бундаш ташқари, бошқа бир қатор олимлар, коррупцияга оид жиноятларнинг объектини - давлат бошқарув тизими ва унинг авторитети; жамият манфаатлари ва ҳуқуқий тартибот; иқтисодий ва сиёсий институтлар[17]; **давлат ёки жамият манфаатларига зиён етказилиши[18-20] кабилар дея ажратишганлигини кўришимиз мумкин.**

“Классификация” тушунчасининг мазмунини чуқурроқ англаш учун, унинг этимологиясига ва илмий манбаларда берилган таърифларига мурожаат этиш мақсадга мувофиқдир.

Логика фанининг таъкидлашича, “классификация” атамаси латинча “classis” — разряд, тоифа, синф ва “facio” — қилмоқ, жойлаштирмоқ сўзларидан келиб чиққан. Ушбу атаманинг маъносидан англашиладики, классификация — маълум бир соҳадаги объектларни белгиланган аломатлар асосида тоифаларга ажратиш, тизимлаштириш, уларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш орқали билимларни шакллантириш ва фаолиятни йўлга қўйиш воситасидир[21].

А.А.Отажонов коррупцияга оид жиноятларни содир этиш субъектининг хусусиятига кўра уларни қуйидаги гуруҳларга ажратган:

1) давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахси томонидан содир этиладиган жиноятлар: ҳокимият ёки мансаб ваколатини суистеъмол қилиш (ЖК 205-м); ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш қилиш (ЖК 206-м); ҳокимият ҳаракатсизлиги (ЖК 208-м); мансаб сохтакорлиги (ЖК 209-м); пора олиш (ЖК 210-м);



2) давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчиси томонидан содир этиладиган жиноятлар: давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкый манфаатдор бўлиши (ЖК 214-м);

3) ҳар қандай шахс томонидан содир этиладиган жиноятлар: пора бериш (ЖК 211-м); пора олиш-беришда воситачилик қилиш (ЖК 212-м); давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш (ЖК 213-м)[22].

И.С.Паршин ўзининг илмий тадқиқотларида коррупциявий жиноятларни классификация қилишни коррупцияга қарши кураш самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи муҳим восита сифатида эътироф этади. Унинг фикрича, бундай классификация муайян турдаги жиноятларни алоҳида гуруҳларга ажратиш имконини беради, бу эса ҳуқуқий масъулият чораларини мақсадга мувофиқ белгилашга, норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштиришга ҳамда ҳуқуқий тартибни тизимли асосда таъминлашга кўмаклашади[23].

Муаллифнинг таклиф этишига кўра, коррупциявий жиноятларни қуйидаги мезонлар асосида гуруҳлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

1. Жиноят содир этувчи шахснинг ҳуқуқий мақомига қараб:

– **Давлат ва мансабдор шахслар томонидан содир этилган жиноятлар**

– **Тижорат ва бошқа нодавлат ташкилотларда бошқарув функцияларини амалга оширувчи шахслар томонидан содир этилган жиноятлар.**

2. Коррупциявий жиноятларнинг ижтимоий соҳаларга таъсир даражасига кўра:

– **Иқтисодий соҳадаги фаолиятни бузувчи жиноятлар.**

– **Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг фаолиятига салбий таъсир кўрсатувчи жиноятлар[23].**

Бир қатор олимлар коррупцион жиноятларнинг ҳуқуқий тавсифи учун зарур бўлган асосий аломатлар сифатида қуйидагиларни келтиришади:

1. Махсус субъектнинг мавжудлиги: коррупцион жиноятлар, одатда, тегишли ҳуқуқий мақомга эга шахслар томонидан содир этилади. Булар тижорат ёки бошқа ташкилотларда бошқарув функцияларини бажарувчи шахслар, юридик шахс номидан ҳаракат қилувчи ва давлат органи мақомига эга бўлмаган нодавлат нотижорат ташкилотларида фаолият юритувчи мансабдор шахслардир[24-26]. Биз эса, фақатгина мансабдорлик белгиси асосида жиноятларни коррупцияга оид жиноятлар тоифасига киритилишига қаршимиз. Зеро, амалдаги Ўзбекистон жиноят қонунчилигида хизмат мавқеидан фойдаланиб содир этиладиган жиноятлар сони 40 тага яқин. Худди шундай таснифни С.А.Алланов[27] нинг мақолаларида ҳам учратишимиз мумкин.

2. Хизмат мавқеи билан боғлиқлик[28]: коррупцион ҳаракатлар субъектнинг хизмат мавқеидан фойдаланиши билан боғлиқ бўлиши шарт. Бу эса унинг қонуний равишда белгиланган ваколат ва вазифаларидан чекиниш орқали амалга оширилади. Шу тарзда, шахс ўз мансабий салоҳиятини шахсий ёки бошқа шахслар манфаатида ишлатади.



3. Манфаатдорлик (ғаразли мақсад[29]): коррупцион жиноятларнинг зарурий субъектив аломати — манфаатдорлик мотиви ҳисобланади. Жиноят моддий ёки мулкӣй наф (пул, мол-мулк, хизматлар, мулкӣй ҳуқуқлар) олиш мақсадида содир этилиши шарт. Бу наф шахснинг ўзи ёки учинчи шахс фойдасига йўналтирилган бўлиши мумкин.

4. Тўғри қасд: коррупцион жиноятлар қасддан, яъни субъектинг хабардорлиги ва хоҳиши билан, ҳуқуққа зидлигини англаган ҳолда амалга оширилади. Шу боис, бевосита қасд унинг ҳуқуқӣй малакалашида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Шунга мувофиқ, хизмат жиноятларининг умумий тоифаси доирасида, унда мансаб мавқеи жиноят таркибининг малакаловчи белгиси сифатида хизмат қилса-да, фақат ана шундай *манфаатдорлик асосида содир этиладиган жиноятларни* коррупцион жиноятлар сифатида ажратиш ва уларни шу тоифага киритиш таклиф этилади. Яъни, фақат шундай жиноятлар коррупцион деб тан олиниши лозимки, уларда мансабдор шахснинг мавқеи фақат криминалогик баҳолаш нуқтаи назаридан аҳамиятга эга бўлади.

Маҳаллий олимларимиздан Ф.А.Примов, коррупцион ҳуқуқбузарликлар турларини қонунчиликда интизомӣй, маъмурий ва жиноӣй жавобгарлик белгиланган ҳуқуқбузарликлар (*мазкур фикрни Х.А. Умаров, И.А.Савенко[30-31] каби олимлар ҳам қўллаб-қувватлашган*) сифатида таърифлаган бўлса-да, бироқ, тадқиқотларида айнан қайси жиноятларни коррупцияга оид жиноят сифатида белгилаш бўйича фикрларини билдириб ўтмаган. Шунга қарамасдан, олим коррупцияга шарт-шароит сифатида белгиланиши лозим бўлган ҳуқуқбузарликлар рўйхатини таклиф этади[32].

И.А.Савенко ўзининг илмӣй тадқиқотларида коррупциявий жиноятларнинг самарали ҳуқуқӣй таҳлилини таъминлаш мақсадида уларни турли асослар бўйича **классификация қилиш** зарурлигини таъкидлайди. И.А.Савенконинг таъкидлашича, илмӣй тадқиқотларда коррупцияга оид жиноятларни қуйидагича таснифлаш таклиф этилади:

Субъектига кўра — давлат хизматидаги шахслар ва бошқарув функцияларини бажараётган шахслар;

Қасд қилинган объектнинг хусусиятига кўра — давлат хизмати, фуқаролар манфаатлари, давлат ҳокимияти органларининг фаолият юритиш тартиби;

Содир этиш усулига кўра — актив (масалан, пора бериш) ёки пассив (масалан, ноқонуний манфаат олиш);

Ижтимоӣй хавфлилик даражасига кўра — масалан, пора олиш, мансаб сохтакорлиги, тадбиркорликда ноқонуний иштирок ва бошқалар[31].

Бзинингча, ушбу классификация коррупциявий жиноятларни янги шакллари ва тенденцияларини назарий жиҳатдан ўрганиш, ҳуқуқни қўллаш амалиётида аниқ ва тизимли ёндашувни таъминлаш, шунингдек превентив чоралар самарадорлигини ошириш учун муҳим назарий ва амалӣй асос вазифасини ўтайди. У ҳар бир жиноятни унинг ҳуқуқӣй, ижтимоӣй ва криминалогик хусусиятларига кўра таҳлил қилишга имконият яратади.



Х.А.Умаровнинг таъкидлашича эса, коррупцион жиноятларнинг классификацияси асосан қуйидаги мезонларга таяниш керак: мотив (ғаразгўйлик ниятида), объект хусусиятига кўра (мансабдор шахс) ва субъекти (мансабдор шахс)[33].

Умуман олганда, мансабдорлик жиноятларининг умумий тоифасида **коррупцион жиноятларни** ажратиш ва уларга **фаолиятдаги хизмат мавқеи, ғаразли мақсад каби жиноят таркибининг ажралмас қисми сифатида иштирок этган ҳолатларни** киритиш мақсадга мувофиқдир.

Бизнингча, анъанавий коррупция шакллари — масалан, пора олиш ва хизмат мавқеидан фойдаланишдан ташқари, ҳозирги кунда қуйидаги характерли коррупцион хатти-ҳаракат турларини алоҳида таъкидлаш мумкин:

мансабдор шахслар ва давлат хизматчиларининг шахсий ёки корпоратив манфаатлар учун тижорат фаолиятида фаол иштирок этиши;

хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда давлат маблағларини хусусий тузилмаларга йўналтириш ва кейинчалик уларни нақдлаштириш;

давлат ресурслари ҳисобидан ўзининг корпоратив гуруҳига имтиёзлар бериш;

шахсий ёки корпоратив манфаатлар йўлида оммавий ахборот воситаларига таъсир кўрсатиш учун хизмат мавқеидан фойдаланиш;

меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш жараёнида муайян гуруҳлар манфаатини илгари суриш (лоббизм);

давлат ва муниципал мулкни хусусийлаштириш, ижарага бериш, лицензиялаш, иқтисодий фаолиятни квоталаш ва шунга ўхшаш жараёнларда хизмат ваколатларини суиистеъмол қилиш[34];

лоббизм ва протекционизм[35-38];

раҳнамолик ва непотизм, қариндош-уруғчилик[39-40].

Юқоридаги барча фикрларни инобатга олган ҳолда, бизнинг фикримизча, коррупциявий йўналишдаги жиноятлар тизимини тузишнинг энг содда ва мантиқий усули – бу жиноятларнинг бевосита объектига (яъни тажовуз қилинаётган умумий ижтимоий муносабатларга) асосланган ҳолда, Жиноят кодекси бўлимлари (боблари)га мувофиқ равишда тизимлаштириш мақсадга мувофиқ:

- иқтисодиёт соҳасидаги коррупцияга оид жиноятлар – ЖК 167-моддаси учинчи қисмининг «д» банди, 168-моддаси учинчи қисмининг «в» банди, 192⁹, 192¹⁰-моддалари, 192¹¹-моддаси иккинчи қисмининг «в» банди;
- бошқарув тартибига қарши коррупцияга оид жиноятлар - ЖК 205-моддаси иккинчи қисмининг «в» банди, 206-моддаси иккинчи қисмининг «в» банди, 208-моддасининг иккинчи қисми, 209-моддаси иккинчи қисмининг «в» банди;
- порахўрлик билан боғлиқ жиноятлар - ЖК 210, 211, 212, 213, 214-моддалари, 214¹-214²-моддалари;
- ҳарбий хизматни ўташ билан боғлиқ коррупцияга оид жиноятлар – ЖК 301-модда.

Юқоридаги таҳлиллар асосида Жиноят кодекси нормаларини коррупцияга оид жиноятлар сифатида ажратишда қуйидаги тамойилларга риоя этилмаганлигидан келиб чиқиб таснифлашни таклиф этамиз:

Биринчидан, фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиқ принципининг бузилиши;



Иккинчидан, хизмат мавқеидан ўзи ёки бошқа шахсларнинг манфаатини кўзлаб
ғаразгўйлик мақсадида моддий ёки номоддий фойда олиш мақсадида фойдаланиш;
Учинчидан, мансабдор шахс томонидан содир этилиши..

References:

1. <https://president.uz/uz/lists/view/7924>
2. Конвенция Организации Объединенных Наций против коррупции — Конвенции и соглашения — Декларации, конвенции, соглашения и другие правовые материалы; http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/corruption.shtml
3. Convention drawn up on the basis of Article K.3 (2) (c) of the Treaty on European Union on the fight against corruption involving officials of the European Communities or officials of Member States of the European Union. Опубликовано в Официальном Журнале (далее - ОЖ) N C 195, 25.06.1997. – С. 2 - 11.
4. <http://docs.cntd.ru/document/901934990>
5. Модельный закон о борьбе с коррупцией: принят в Санкт-Петербурге 3.04.1999 Постановлением 13-4 на 13-ом пленарном заседании Межпарламентской Ассамблеи государств-участников СНГ // Межпарламентская Ассамблея государств-участников Содружества Независимых Государств. Информационный бюллетень. 1999. № 21. С. 70–84 // СПС КонсультантПлюс
6. Основы законодательства об антикоррупционной политике: Модельный закон принят в Санкт-Петербурге 15.11.2003 г. Постановлением 22-15 на 22-м пленарном заседании Межпарламентской Ассамблеи государств-участников СНГ // Межпарламентская Ассамблея государств-участников Содружества Независимых Государств. Информационный бюллетень. 2004. № 33. С. 225–260 // СПС КонсультантПлюс.// <https://base.garant.ru/2569543/>
7. Выдержка из Инструкции статистического учета преступлений коррупционного характера и перечень этих преступлений. <http://www.gazeta-bip.net/problem>
8. См.: Уголовное законодательство зарубежных государств / Под ред. А.В. Матвеева. М., 2000. С. 122
9. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.12.2020 й., 09/20/829/1693-сон; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 21.05.2021 й., 09/21/322/0481-сон; 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон // <https://lex.uz/docs/5193571>
10. Korrupsiyaga oid huquqbuzarliklar profilaktikasi: O'quv qo'llanma / I. Ismailov, J. S. Muxtorov, S. B. Xo'jaqulov; mas'ul muharrir Y.f.d., prof. Q. R. Abdurasulova. – T.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2017. – 51 b.
11. Газимзянов Р.Р. Коррупционная преступность в Республике Татарстан на рубеже веков (криминологическое исследование) автор.дис. на соис.уч.степ.канд.юрид.наук. Нижний Новгород – 2005. – С. 32.
12. Бугаевская Н. В. Коррупционные преступления: особенности определения термина [электронный ресурс]. URL: http://www.rusnauka.com/3_ANR_2014/Pravo/5_156933.doc.htm (дата обращения: 22.02.2015).



13. Жадан В. Н. О коррупции и криминологической характеристике коррупционных преступлений // Молодой ученый. — 2015. — №5. — С. 345-351. — URL <https://moluch.ru/archive/85/15914/> (дата обращения: 03.06.2019).
14. Карпец И.И. Организованная преступность как социальная и юридическая проблема, ее тенденции и причины. Организованная преступность-2. / Под ред. А.И.Долговой, С.В.Дьякива. – М., 1993. – С.13-15.
15. Зуфаров Р. А. Уголовная ответственность за получение взятки (уголовно-правовые аспекты): автореф. дис. ... канд. юрид. наук: 12.00.08 / Акад. наук Респ. Узбекистан, Ин-т философии и права им. И. М. Муминова. – Ташкент, 1994. – 27 с.
16. Онуфриенко А. В. Система преступлений коррупционной направленности: дис. ... канд. юрид. наук. М., 2015. 234 с.
17. Малышева Ю.Ю. Понятие коррупционного преступления по уголовному законодательству современной России // Угрозы и безопасность. 2012. № 36 (177).
18. Ваулина Т.И. Ответственность за коррупционные преступления: международный и уголовно-правовой аспекты // Российское право: образование, практика, наука. 2016. № 6. С. 37–40.;
19. Рахметов С.М. О ходе имплементации норм международных конвенций по вопросам борьбы с коррупцией в уголовное законодательство Республики Казахстан // Вестник Института законодательства Республики Казахстан. 2017. № 2 (47). С. 103–109.;
20. Райгородский В.Л. Ответственность за коррупционные правонарушения // Вестник. 2009. С. 3.
21. См.: Философский энциклопедический словарь / ред. кол. С.С. Аверинцев, Э.А.АрабОглы, Л.Ф. Ильичев [и др.]. - 2-е изд. - М., 1989. - С. 259.
22. Отажонов А.А. Бошқарув тартибига қарши коррупцияга оид жиноятлар учун жавобгарлик. Ўқув қўлланма. – Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. – 11 б.
23. Паршин И.С. *Противодействие коррупции: уголовно-правовое и криминологическое исследование: дис. ... канд. юрид. наук: 12.00.08.* – Н. Новгород, 2014. – 308 с.
24. Миронова Г.Н. Мелкий коммерческий подкуп как проявление коррупции // Психопедагогика в правоохранительных органах. 2018. № 1(72). С. 21–24.; О введении в действие перечней статей Уголовного кодекса Российской Федерации, используемых при формировании статистической отчетности : указание Генпрокуратуры России № 797/11, МВД России № 2 от 13 декабря 2016 г Доступ из справ.-правовой системы «КонсультантПлюс»;
25. Кадырова Н.Н., Шлей К.А. К вопросу о понятии коррупции и коррупционной преступности // Вестник Челябинского государственного университета. Серия: Право. 2019. Т. 4, вып. 2. С. 37–41.; Клюковская И.Н. Теоретические основы криминологического исследования антикоррупционной политики: автореф. дис. ... д-ра юрид.наук. — М., 2004. — С. 12;
26. Киршина Е.А. Классификация преступлений коррупционной направленности // Вестник Нижегородской академии МВД России. 2016. № 3 (35). С. 152–157.
27. **Алланов С.А.** Описание коррупционных преступлений в соответствии с уголовным законодательством Республики Узбекистан // Юридические науки. — 2020.



- № 6 (107). — С. 31–34. — URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/opisanie-korruptsionnyh-prestupleniy-v-sootvetstvii-s-ugolovnym-zakonodatelstvom-respubliki-uzbekistan> (дата обращения: 22.04.2025).
28. Павлинов А.В. Угроза безопасности России. антикоррупционный и антиэкстремистский подход. — М.: Юрлитформ, 2012. — 278с.; Хабриева Т.Я. «Коррупция и право: доктринальные подходы. К постановке проблемы. //Журнал российского права. — №6. — 2012. — С.5 — 11.
29. Клюковская И.Н. Современное состояние коррупции в России и проблемы ее предупреждения. Ставрополь, 2001. — 130 с.
30. Умаров Х.А. Противодействие коррупции в Республике Таджикистан: уголовно-правовые и криминологические аспекты: дис. ... канд. юрид. наук: 12.00.08 / Академия управления МВД России. — М., 2007. — 179 с.;
31. Савенко И. А. Коррупционные преступления и меры их предупреждения (на материалах Краснодарского края): дис. ... канд. юрид. наук: 12.00.08 / Савенко Ирина Алексеевна. — СПб., 2006. — 235 с.
32. **Примов Ф. А.** Давлат бошқарувида коррупцияга қарши курашишнинг маъмурий-хукукий жиҳатларини такомиллаштириш : автореф. дис. ... докт. юрид. наук : 12.00.02 / Примов Фарход Абдижабборович ; Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси. — Тошкент, 2023. — 239 с.
33. Умаров Х.А. Противодействие коррупции в Республике Таджикистан: уголовно-правовые и криминологические аспекты: дис. ... канд. юрид. наук: 12.00.08 / Академия управления МВД России. — М., 2007. — 179 с.
34. **Попова В.В.** К вопросу о понятиях «коррупция» и «преступления коррупционной направленности» // *[Название журнала или сборника, если указан].* — [Год]. — Т. [Том], вып. [Выпуск]. — С. [Страницы].
35. Лагов Ю.В., Ковалев С.Н. Теневая экономика: учеб. пособие для вузов. М.: Норма, 2006. 336 с.;
36. Сысоева О.В. Отличительные особенности проявления коррупции в предпринимательской деятельности: «коммерческий подкуп», «взятка» // Юридическая наука и правоохранительная практика. 2020. № 2 (52). С. 76–86.;
37. Хабриева, Т.Я. Коррупция и право: доктринальные подходы к постановке проблемы // Журнал российского права. - 2012. - № 6. - С. 14.;
38. Фахриев М.М. Квалификация преступлений, связанных со злоупотреблением должностными полномочиями и вопросы их предупреждения // Вестник Волжского университета имени В.Н. Татищева. – 2018. – № 3, том 1. – С. 179–190.
39. Основы борьбы с организованной преступностью // Под редакцией В.С.Овчинского, В.Е.Эминова, Н.П.Яблокова. М.: «ИНФРА-М», 1996.;
40. **Что такое коррупция?** // GeeksforGeeks. — URL: <https://www.geeksforgeeks.org/what-is-corruption/> (дата обращения: 07.02.2025).